



Халқаро конференциянинг бош мавзуси:
«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ»

Келгуси сонларда ўқинг

Ҳамза адабиётимиз
дарғаси(ми?)

Келгуси сонларда ўқинг




Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 10 апрель • сешанба • № 42 (4015)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун



БУЮК СОҲИБҚИРОН, АДОЛАТ ВА
ҚУДРАТ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

Амир Темур — халқимиз тарихидаги бутун жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк шахсдир. Мустақиллик йилларида маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборақ номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Биринчи Президентимизнинг таклифи ва сўзбоши билан «Темур тузуқлари» асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан chop этилди. Амир Темур таваллуд топган кунни халқимиз улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кенг байрам қилиб келади. Аънамага кўра, 9 апрель кунни пойтахтимиздаги Амир Темур хибонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

2

КУН НАФАСИ

Президентимизнинг 2018 йил 9 апрелдаги Фармонига асосан Ғайрат Ҳидоятوف Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинланди.

Ғайрат Ҳидоятوف бунга қадар Президентининг сиёсий-ҳуқуқий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси-нинг ўринбосари лавозимида ишлаб келётган эди.

Адлия вазирлигининг «Хуқуқий ахборот» канали хабар беришича, «Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатининг дунё сахналарида муваффақиятли намоиш этиб келатган ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатининг дунё сахналарида муваффақиятли намоиш этиб келатган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга биноан миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорлар ҳамда ўзбек санъатининг дунё сахналарида муваффақиятли намоиш этиб келатган ёшлар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда бир марталик пул мукофоти билан моддий рағбатлантирилади ва уларга мукофотланганлик тўғрисида сертификат топширилади.

Мукофотлаш маросими ҳар йили Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондаларининг 107-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга кўра ФХДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини никоҳдан ажратилиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ жамғарма Ўзбекистон ривожланиш дастурларига киритилган, улар бўйича молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш бўйича молиявий муассаса ҳисобланади.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Томорқа хўжалиги

Ер — ризқу-насиба, барака манбаи. Қадим-қадимдан бир парча ери бор киши ўзини туғанмас бойлик соҳиби санаган. Балки шу тарбия боисми, ерга меҳр қон-қонимизга сингиб кетган. Диёримиздаги серҳосил ерларнинг аксарияти аҳолига томорқа сифатида тақсимланган бўлиб, биргина Самарқанд вилоятида 605 минг 800 та хонадон тасарруфида 60 минг гектардан ортиқ томорқа мавжуд.

Хўжакўрсинга уруғ унмайди



Хавасланмай иложингиз йўқ. Хусусан, Жомбой тумани «Қўнғирот» маҳалласида яшовчи Алишер Жоникуловлар оиласи ҳовлидаги 10 сотихлик табиий иситиладиган иссиқхонада кишин-ёзин турли хил सबзавотлар етиштириш билан машғул.

— Бу йил болдиннинг ўзидан ўн беш миллион сўмдан ортиқ даромад олдиқ, — дейди хонадон бекаси Мавжуда Жоникулова. — Бундан ташқари, бозорга қўқат, редиска, по-

мидор ҳам чиқаряпмиз. Ернинг орқасидан рўзгоримиз обод.

Дехқон омилкор бўлса, тошда гул ундиради. Иштиқонда ҳам томорқага меҳр қўйиб, ундан барака топганлар кўп. Хусусан, давлатимиз раҳбари таширф буюрган Хина қишлоғи аҳолиси томорқадан оқилона фойдаланиш ҳадисини олган. Бу ерда яшовчи 450 дан ортиқ оилаларнинг талай қисми иссиқхоналарда маҳсулот етиштиришни йўлга қўйган.

2

Қарордан руҳланиб...

Олимлар давлатимиз эъзозиди

Олимнинг меҳнатини қадрлаган давлат ва жамият ҳар томонлама равақ топиши инсоният тарихида аллақачон ўз исботини топган. Ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримда ҳам илмга даъват қилиниб, олимларнинг фаолияти юксак баҳолангани бежиз эмас. Айниқса, ҳозирги техника ва инновацион технологиялар даврида илм-фаннинг равақига эришмасдан туриб, фаровон турмуш тарзини яратишнинг асло иложи йўқ.

2



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НЕГА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН?



...Қодирийнинг терговчиларга берган мазкур кўрсатмаларини ўқиган ўқувчиларда ўзгача фикр ҳам пайдо бўлиши мумкин. Маълумки, тергов чоғидаги қийноқлар сабабли айрим маҳбуслар ақлдан озиган, айримлари бошларини метин деворларга уриб, қаттиқ жараҳат олишган, кекса ёшдагилар эса қийноқлардан вафот этишган. Баъзилар эса қийноқларга дош беролмай, ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам тўхмат қилишга мажбур бўлган. Шундай даҳшатли ҳолатга тушган Қодирий ўзига ўзи тўхмат қилишга мажбур бўлмаганмикин?..

Мен бундай фикрда эмасман. Бундай дейишимга сабаб тергов давомидаги мана бу савол-жавоблардир:

«Савол: Сиз миллатчи сифатида қайси советларга қарши ташкилот фойдасига ишлагансиз?»

Жавоб: Мен буржуа миллатчили сифатида ўз олдида Совет ҳокимиятини ағдариш мақсадини қўйган советларга қарши ўзбек буржуа миллатчили ташкилоти фойдасига ишлаганман. Менинг матбуот ва адабиёт соҳасидаги амалий ишим совет ҳокимиятига қарши қаратилган, шунинг учун шу ташкилот раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев томонидан фаол қўллаб-қувватланганман, менинг советларга қарши асарларим шахсан уларнинг топиширигига биноан оммавий адабда нашр этилган ва кенг тарқатилган.

Савол: Айтинг-чи, сиз қачон, ким томонидан ва қандай шароитда Ўзбекистонда мавжуд бўлган советларга қарши миллатчилик ташкилотига ёллангансиз?

Жавоб: Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунларда миллатчилик кураши йўлига ўтганим учун мен амалда советларга қарши ўзбек миллатчилик ташкилотининг кекса ва фаол қатнашчиларидан бириман, аммо расман бу ташкилотга аъзо бўлмаганман...

Буюк соҳибқирон, адолат ва қудрат соҳибига эҳтиром

41

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Ҳабибуллаев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Е.Утембаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Х.Файзиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Н.Жўраев ва бошқалар Амир Темур сиймоси адолат, тинчлик, фаровонлик, тараққиёт тимсоли бўлиб, қудратли салтанат барпо этган, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ҳам ибрат мактаби эканини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик каби соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси раванкига қўшган улкан ҳиссасига оид қўплас асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни еттиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, сиёсий, иқтисодий, илм-фан, ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бунёдкорлик ва халқ манфаатларига хизмат қилиш борасидаги ишлар улуғ аждодимиз Амир Темур фаолиятига мазмунан ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлilдир.

Зеро, буюк бобокалонимиз Амир Темур-



нинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматларини, муҳташам иморату иншоотлар қурдиргани, шаҳарларни тиклагани, салтанат пойтахти Самарқандни хар томонлама раванк топтиргани, саройлар, масжидлар, мадрасалар, макбаралар қурдиргани, шаҳар ташқарисида боғ-роғлар ва бўстонлар барпо эттиргани, фан, маданият ва санъат аҳлини ўз ҳомийлигига олиб, уларга иззат-икром қўрсатгани, халқларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини йўлга қўйишга шароит яратгани неча асрлардан буён авлодларга буюк маърифатпарварлик намунаси бўлиб келаётган бўлса, Президентимизнинг бу борадаги эзгу сый-ҳаракатлари нафақат халқи-

миз, балки бутун дунёда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Соҳибқирон бобомиз ўз тузуқларида «Тажрибамда кўрилганким, азия қатъий, тadbиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир» деган бўлса, бутун мамлакатимизда тadbиркорлик, ишбилармонликни жадал ривожлантириш, тadbиркорларга кенг шароит ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Темур бобомиз «Куч — адолатдир!» дея хитоб қилган бўлса, бугун ҳам адолат, халқпарварлик, бағрикенглик давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор тамойилларидандир.

— Амир Темур шахси бетақдор, у инсоннинг ҳаёти ва фаолияти миллий давлатчилигимиз тарихида олтин даврни ташкил этади, — дейди тарих фанлари доктори Шохиста Ўлжаева. — Мустақиллик йилларигача улкан салтанат тузган қудратли бобомизнинг фақат ҳарбий юришлари бир томонлама ўрганилиб келинган бўлса, миллий истиклолга эришгачина ул зотнинг тинчликка, тараққиётга қўшган ҳиссаси кенг тadbик этила бошланди. Европа ва Осиёни бирлаштирган ҳукмдор сифатида салтанати остидаги давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган, бунёдкорлик, илм-фанга ҳомийлик қилган. Унинг даврида барча соҳалар жадал ривожланган. Бугун улуғ бобомизнинг ишлари авлодлар томонидан муносиб давом эттириляптир.

— Буюк саркарда бобокалонимизнинг ҳаёти, ҳарбий-сиёсий фаолияти, жанговар санъати, ватанпарварлик, халқпарварлик, мардлик ва жасорат фаилатлари биз авлодларда доим ҳавас ва хайрат уйғотади, — дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университетининг махсус факультети 4-босқич талабаси Шухрат Каримов. — Биз Соҳибқирон Амир Темур бобомизга муносиб авлод бўлишга, мард, юртни чин дилдан суядиган инсон бўлишга интиламиз. «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари томонидан ҳарбий машқлар намойиш этилди. Амир Темур хайкали пойига гуллар қўйилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида санъаткорлар ва болалар ансамбллари иштирокида миллий куй-қўшиқлар ижро этилди. Темур ва темурийлар даврига оид «Тангаларда акс этган тарих» деб номланган кўргазма намойиш қилинди.

Бундай тadbирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Байрам АЙМУРОВ,
ЎЗА мухбири



Касаба уюшмалари ҳудудларда

Бухоро. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида Бухоро вилояти ҳарбий қисмларидан бирида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда иштирокчилар 15 та шарт бўйича, жумладан, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик, сиёсий-ҳуқуқий фанлар ва чет тили бўйича ўз билим ва малакаларини синовдан ўтказишди.

60 нафардан ортиқ «Ёш чегарачилар» клуби аъзолари ҳамда 50 нафардан зиёд кўнгилли ёшлар жалб этилган мусобақанинг якуний натижасига кўра голиблар ҳамда совриндорлар қўшимча номинациялар бўйича аниқланиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломи билан тақдирланди.

Наманган. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти бирлашган касаба уюшма кўмитаси нодавлат секторида меҳнат қилаётган юртдошларимизни имтиёзлар билан қамраб олишни изчил давом эттирмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки чорагиданок 30 та корхонада 520 нафар ишчи-ҳодим касаба уюшма хизматидан фойдаланишни бошлади. Апрель ойининг дастлабки ҳафтасида белгиланган режага мувофиқ, Наманган шаҳридаги «Ари» проект индустрия» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмасига жалб этилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларидан сўнг жамият ходимлари ихтиёрий равишда касаба уюшма аъзолигига жалб этиш бўйича аризалари билан мурожаат этишди.

Қашқадарё вилоятидаги «Gissaneftgaz» қўшма корхонаси иш берувчиси ва касаба уюшма кўмитаси томонидан Қашаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тadbири ташкил этилди.

Унда 30 нафар ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тарбияланувчиларнинг Қарши шаҳридаги Болалар истироҳат боғига саёҳати уюштирилди.

Тadbир асноси, ўғил-қизлар Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов хайкали пойига гуллар қўйишди.

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Касаба уюшмалари бошланғич таъкилотларида фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш» мавзусидаги 3 кунлик машғулотлар бўлиб ўтди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш, бошланғич ташкилот раиси билим даражасини ва уларнинг фаолиятини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқувда 25 нафар вилоят ички ишлар тизимидаги бошланғич ташкилот етакчилари ўқитилди.

Ўз мухбирларимиз

Анжуман

Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриш борасида эришилган натижалар, тажриба, амалиёт ва муаммолар» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Арзон ва қулай

Унда 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Президент қарори асосида аҳолини арзон ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш ҳақида сўз юритилди.

— Жорий йил 18 январдаги Президент қарорига асосан ушбу йилда умумий қиймати 3534,8 млрд. сўмлик 20000 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» кредитлаш департаменти бошқарма бошлиғи Дилшод Ҳасанов. — Бу уй-жойларнинг 16246 таси уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож бўлган, 658 таси алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга, 1260 таси Мулофаа вазирига, 468 таси Миллий гвардия, 468 таси Фавкуллода вазирига вазирига ҳарбий хизматчиларга, 900 таси Ички ишлар ходимларига берилиши белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сонли қарорига асосан арзон уй-жойларга эҳтиёжи бор оилалар юқори балл тўплаш орқали бундай имкониятга эга бўлиши мумкин. Бунда камиди етти кишидан иборат комиссия тузилган бўлиб, ундан қуйидаги: ариза берувчида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг йўқлиги ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi, бошқа оила билан бир уйда яшashi, кўп болали, ариза берувчи оиласининг даромади, оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг борлиги, улар орасида биринчи гуруҳ ногиронлиги мавжудлиги ва бошқа қатор меъерлар бўйича баҳолашда ҳамда белгиланган миқдорда юқори балл тўплашлар арзон уй-жойларга эга бўлиши мумкин.

Анжуман сўнггида йилгиланлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Сўлаймон ҲАЙДАРОВ

Олимлар давлатимиз эъзозида

41

Жорий йилнинг 5 апрелида «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни, айтиш мумкинки, янги сифат босқичига олиб чиққани билан аҳамиятлilдир.

Зеро, мамлакатимизда таълим ва илм-фан тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ва кенг қўламли ишлар ижтимоий-иқтисодий ва соҳа тармоқларини жадал ривожлантиришга қодир янги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўлида муҳим омили бўлиши шубҳасиз.

Қарорда таъкидланганидек, шу йил 1 сентябрдан бошлаб 81 та олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва 136 та илмий-тадқиқот институтлари илмий ходимлари таркибининг барча базавий лавозим маошлари миқдори сезиларли даражада оширилади: бу 38 минг тадан ортиқ олий таълим муассасалари (28,1 минг нафар), илмий-тадқиқот муассасалари (8,0 минг нафар) ходимлари

ва 1,9 минг нафар докторант шундай имтиёзлан баҳраманд бўлади демакдир. Илмий унвон ёки илмий даражасига эга бўлган олий малакали ва илмий-педагогик кадрлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг табакалаштирилиши ҳам айнаи мудио бўлди. Рағбат олий таълим муассасалари илмий ходимлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда илмий тадқиқот институтларининг илмий ходимларини ўз билим ва касбий кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари мазкур қарорни мамнуният билан қарши олишди. Уларнинг қўлига-қўч, гайратига-гайрат қўшилди десам, асло муболага эмас. Амалга оширилаётган илмий-амалий ишларининг қўламини янада кенгайтириш борабарида уларнинг сифат ва самардорлиги ҳам ортишига ишончим комил. Бунинг учун иктидор ва имкониятларимиз етарли.

Университетда илм-фан ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган олимлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва иктидорли талаба-

лар қўллаб топилади.

Ҳозирда мавжуд кафедраларда 23 та ихтисослик бўйича 65 нафар таянч докторант (PhD) ва 4 та ихтисослик бўйича 4 нафар докторант (DSc) илмий-тадқиқот ишлари билан машғул.

Масканимизда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ҳамда ёш олимлар фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мос равишда Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Баҳариланган илмий-тадқиқот ишларининг асосий мақсад ва вазифалари ишлаб чиқариш корхоналарининг долзарб техник, технологик ҳамда хомашё муаммоларининг ечимига қаратилган бўлиб, хусусан, Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 51 та илмий лойиҳа, шунингдек, 12 та фундаментал, 30 та амалий, 2 та инновацион, ёш олимларнинг 7 та фундаментал ва амалий лойиҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириляптир. Мазкур илмий лойиҳаларнинг баҳарилишида 400 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, 60 нафардан

ортиқ докторант ва ёш тадқиқотчилар, 200 нафардан ортиқ иктидорли талаба ва магистрантларнинг фаол қатнашаётгани ютуқларимиз бардавомлиги гаровидир.

Президент қарори мамлакатимиздаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини халқаро мезонлар даражасига олиб чиқиш, илм масканларининг нуфузини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самардорлигига замин яратди. Шунингдек, иктидорли, илмга чанқок талабаларни илмий иш, ижодий фаолият билан мунтазам шуғулланишга жалб этишнинг чинакам пойдевори бўлди. Ўз навбатида, илмий салоҳият эгаларининг ҳам илм-фан йўлида фидокорона меҳнат қилиши, илм-маърифат йўлида жонбозлик кўрсатиши талаб этилади. Зотан, ўқиш, изланиш ва илмий-тадқиқот тараққиётисиз ёрқин келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Садриддин ТУРБОЖОНОВ,

Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори

маётган экан. Чунки корхона «Микрокредитбанк» туман филиалидан уруғлик учун олган 128 миллион сўмлик кредит қардорлигини ёпишнинг иложини тополмаган.

— Банк филиали ҳисобимизга маблағ ташлаб бермаган, — дейди Зокир ака. —

Ука, бир уятли иш бўлиб ўтган, — деди Ўнгол ака хомуш тортиб. — 2015 йилда агрофирмадан кредит эвазига картошка уруғи харид қилган эдик. Ҳосил пишиб етилса, хирмон кўтарсак, қарзни узиш бизга чиқора эди. Аммо иш чаппасига кетди. Уруғ нобоб чиқди. Уруғга ҳам, меҳнатимизга ҳам қуйиб қолдик. Қарздор одам бошини кўтара олмас экан. Агрофирма раҳбарлари кредитни ундиришга кўп келди. Шу-шу уларни кўрсам, мазам қочади. Ҳали-ҳануз бу ташкилотни очганлар бизни кредитни узмаганликда, биз эса уларни сифатсиз уруғ етказиб берганликда айблаб юрибмиз.

— Бу йил картошка экдингизми, уруғни қаердан олдингиз? — деб сўраймиз ундан. — Бу йил ҳам экканмиз. Уруғни бозордан олдик, — дейди у. — Тўғри, бироз қимматроқ. Аммо қурбимиз етганича ҳаракат қилаймиз.

Ўнгол акадан эшитганимиз гап илгари ҳам қулоғимизга чалинган эди. Шунинг учун масалага ойдинлик қиритиш мақсадида Иштихон туманидаги «Иштихон агро продукт» МЧЖ раҳбари Зокир Бобоқулов билан боғландик. Унинг айтишича, мазкур ташкилот айнаи чоғда фаолият кўрсат-

сугурта» компанияси билан шартнома имзолаганмиз, — дейди у. — Уруғлик сифатсиз чиққач, бир неча мартаба ушбу ташкилотта мурожаат қилдик. Аммо орадан беш-олти ой ўтган, сугурта ташкилоти туғаб кетганини эшитдик. Айланма маблағта



эга бўлмаган ва қарздор бўлиб қолган корхонамиз ишни тўхтатишга мажбур бўлди. Иштихонда томорка хўжалигига кўмак кўрсатишга мўлжалланган 8 та агрофирманинг иши ана шу тариқа якун топган. «Ҳақиқат агро продукт» МЧЖ раҳбари Тolib Тўрақуловнинг эътирофи этилишича, у ўтган йили 31 тонна картошка уруғини томорка эгаларига таркатган. Аммо улардан олинган кредитни қоплаш учун сарфчака ҳам йиғиб олишнинг имкони топилмаган. Бунга сифатсиз уруғ сабаб бўлган.

Киска қилиб айтганда, Иштихон тумани бўйича томорка эгаларига етказиб берилган 645 миллион сўмлик картошка уруғлигидан дехқонлар бармоқ тишлаб қолган. Афсуски, вилоятнинг барча туманларида не-не умидлар билан очилган агро-

фирмалар йўқ жойдан бўйнигача қарзга ботиб, ўзини «банкрот» деб эълон қилишга мажбур бўлганлигини эшитиб ўйга толамиз. Пайриқ туманида иш бошлаган «Чоштепа агро мева» МЧЖ бошлиғи Рустам Суяровнинг таъкидлашича, унинг ташкилоти 20 миллион сўмлик маҳсулотни икки маҳалла ҳудудида яшовчи шахсий томорка эгаларига етказиб берган. Улар ҳам банк маблағ йўналтирган ташкилотнинг сифатсиз уруғи боис

қарзга ботган.

— Агрофирмалар сифатсиз уруғ тўфайли томоркачилар олдида уятли бўлди, бу ҳам етмагандек қарзга ҳам ботди, — дейди Рустам Суяров. — Унинг раҳбари сифатида ўз номинга банкдан кредит олиб, юзага келган қардорлиқни узиб келаялман.

Пахтачи туманидаги «Султонобод томорка агро» МЧЖ ҳам «Микрокредитбанк» ва унинг қошида бир кўриниб қойиб бўлган сугурта корхонаси тўфайли ўз фаолиятига чек қўйганини туйдири.

Хуллас, Самарқанд вилоятида томоркадорларга кўмак кўрсатиш мақсадида ташкил этилган 132 та агрофирма ана шу тахлитда инкирозга учради. Эниликда кредит эвазига ваъда қилинган уруғликдан кўпчиликнинг чўчиб тургани ҳам бежиз эмас.

Шу маънода Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги «Дехқон хўжаликлари ва томорка ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнаи мудио бўлди. Бундан буён қарри иштиёк билан иш бошлаётган «Томорка эгалари иттифоқи» ҳам томорка эгаларининг ишончли ҳамқори бўлишига умид боғлашмоқда. Зеро, «қарс» икки қўлдан чиқди. Шундай эмасми?



Нурилла ШАМСИЕВ
«Ishonch»

Миллий қаҳрамонларимиз

Мустанбид совет давлати ҳудудида яшаган барча халқлар тарихининг мусибатли ва энг фожиали даври — 1937 йил ўзбек халқи хотирасида ҳам мудҳиш сана сифатида муҳрланган. Чунки шу йили Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари адиблар, Файзулла Хўжаев каби давлат арбоблари, Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Ғози Олим Юнусовдек олимлар қатағон этилди. Улар ўзбек халқининг бир неча асрлик турғунлик давридан кейин етишиб чиққан буюк фарзандлари эди. Шу тариқа эндигина шаклланиб, камол топиб бораётган янги ўзбек фани, техникаси, маорифи, адабиёти ва санъати қўпориб ташланди.

1937 йил 24 апрелда Фитрат ўзбек зиёлилари орасидан биринчи бўлиб қамоққа олинди. 31 декабрда Абдулла Қодирий «Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, янги йилни бола-чақаларим билан кўрадикан бўлдим», деб Самарқанд дарвозасидаги хонадонидан норин тўғраб ўтирганида қўйилмаганда НКВД (Ички ишлар халқ комиссариати) изкуварлари келиб, уни олиб кетишди. Абдулла Қодирий 1938 йили НКВД зиндонидан маҳбуслик либосида кутиб олди.

Шу ўринда таъкидлаб ўттиш жоизки, Чўлпон ва Фитрат сингари жўшиб-кайнаб яшаган зиёлилар ортидан дўст, яширин миллий ташкилотнинг аъзоси, НКВДнинг махфий ходими сифатида эргашиб, уларнинг ҳар бир қалами, ҳар бир айтган сўзини тегишли жойга етказиб турган «соясар» адибни бадном этувчи маълумотларни қўлга кирита олмаган. Шу сабабли адиб ҳақто қатағон тўлкини кутурган пайтларда ҳам НКВД назарига тушмаган. Шундай бўлса-да, 1937 йил 31 декабрда Ўзбекистон НКВД Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси ходимлари «жизнотнинг олдини олиш» мақсадида маҳбус қарор тайёрлади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, Давлат хавфсизлиги майори Апросян тасдиқлаган бу қарорда Абдулла Қодирийга қўйиладиган айбловлар эълон қилинган:

1. «Миллий иттиҳод» аксинлиқлибий миллатчилик ташкилотига аъзоси бўлиб, қатор йиллар мобайнида Совет ҳокимияти ва партияга қарши фаол аксинлиқлибий-миллатчилик курашини олиб борган.
2. Мағбуотда партия ва ҳукумат раҳбарлари сиёсатига нисбатан кескин аксинлиқлибий-миллатчилик ва тухматдан иборат мақолалар билан чиққан.
3. Шу қўнларда тугатилган ўзбек аксинлиқлибий-пантүркистик ташкилотининг аъзоси бўлиб, унинг аксинлиқлибий ишида фаол қатнашган.
4. Йиғилишларда мунтазам равишда аксинлиқлибий-миллатчилик, аксинлиқлибий-миллатчилик руҳидаги фикрларни баён қилган.

Қодирий мажбур қарор билан танишиб, унинг тағига «Ушбу қарор менга эълон этилган (ўқудим), бунда кўрсатилган айбларга рози эмасман ва бўйинма олмаман», дея имзо чеккан.

НКВД жаллодлари 1937 йилда турли-туман қийноқ усулларини қўллаш натижасида ўзбек халқининг қанчадан-қанча зиёлилари иродасини синдира олган. Инсон зоти кўрмаган қийноқлардан зада бўлган зиёлилар қора тухматдан иборат сўроқ баённомаларини ўз имзолари билан тасдиқлашга мажбур бўлишган. Бироқ Апросян бошлик НКВД ходимлари Қодирийни «жиловлаш»нинг улдасидан чиқошмоқди. Қодирийнинг бирор аксинлиқлибий ташкилотга дахлдор бўлганини исботловчи исбот топа олмаган терговчилар ёз ойларида қамалган ёзувчиларнинг тергов баённомаларини титқилай бошлади. Буни қарангки, Ғози Олим Юнусов билан Қайом Рамазон Ўзбекистондаги пантүркистларни санаганларида Қодирий номини ҳам тилга олган, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) Қодирий билан Шохид Эсонни миллатчи-аксинлиқлибиялар қаторига қўшган, Мўмин Усмонов Файзулла Хўжаевнинг Қодирий, Элбек, Чўлпон ва Фитратга яхши шароит яратиб берганини эслаган, Аъзам Аюб эса Акмал Икромов «Туркистон» газетасига муҳаррирлик қилган вақтда Қодирийнинг ҳам шу газетда хизмат қилганини айтиб ўтган экан. Бу маълумотлар, аввало, бечора маҳбустлардан қийноқ остида олинган, қолгилари, улар далай ва ашёсиз, пуч гаплар эди.

Ўзига қўйилган барча сиёсий айбларнинг пучлигини кўрган Қодирий тергов жараёнида ўз ҳақиқатини мардона ҳимоя қилди. Терговчилар уч ой мобайнида Қодирийга нисбатан энг дахлатли қийноқ усулларини қўлласса-да, унинг иродасини синдира олмади. Қодирий билан бир қамрада ётиб, большевиклар дўзахидан омон чиққан совик маҳбустларнинг айтишларига қараганда, улар адибни қалтаклаб, ярим кечада қамарга қалажон ҳолида ташлаб кетишар, тиббиётдан озмоз хабардор маҳбустлар бир ҳафта-ярим ҳафта давомида уни даволаб, эски ҳолига келтиришар, бир-икки ҳафтадан кейин эса яна ўша қийнаш ва даволаш «сеанс»лари давом этар экан. У барбир терговчилар талқинида ёзилган тергов баённомаларига имзо чекмади. Шунинг учун ҳам у имзо чеккан ягона тергов баённомасига «1937 йил, март» деб ёзилган бўлса-да, сана ўрнига уч нуқта қўйилган. Бу терговнинг нечачи тергов эканини ҳам, 1938 йил мартининг қайси куни бўлиб ўтганини ҳам ҳеч ким билмади.

Маълумки, Қодирий 1926 йилда «Йиғинди гаплар» ҳажвиси учун республика раҳбарлари обрўсини тўқшида айбланиб, бир неча ой қамоқда ётиб чиққан. Шу жараён билан боғлиқ материаллар НКВД терговчилари ихтиёрида бўлгани учун улар терговни шу масалага «ойдинлик киритиш»дан бошламоқчи бўладди. Лекин маҳбуснинг ўз «хато»ларини «Мушгум» журнали фаолияти билангина боғламоқчи бўлганини сезиб, асл мақсадга ўттишни лозим топмади.

«Савол: Сиз советларга қарши миллатчилик ишнингизни «Мушгум» журнали доираси билан чекламоқчисиз. Отоҳлантимиз: бу — бефойда уриниш. Маълумки, сиз буржуа миллатчиси сифатида адабиёт соҳасида фаоллик кўрсатгансиз. Шу тўғрида мукамал кўрсатма беринг.


Жавоб: Мен терговдан ўзимнинг буржуа миллатчилик этиқоидимни яшироқчи эмасман. Зеро, менинг бир неча йил давомида олиб борганим советларга қарши миллатчилик иши шу қадар маълумки, уни қанчалик истасам ҳам яшира олмаман. Шунинг учун ҳам мен адабиёт оламида советларга қарши олиб борганим амалий миллатчилик иши ҳақида виждонан, ҳаққоний сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

Мен жаҳидизм буржуа-миллатчилик партияси мафқураси руҳида тарбияланганман, шунинг учун Октябрь инкнлобининг дастлабки кунлариданоқ Совет ҳокимиятига қарши буржуа-миллатчилик кураши йўлига ўтганман. Совет ҳокимияти буржуа миллатчилиги билан чиқишмагани, аксинча, унинг манфаатларига қарши бўлгани учун Совет ҳокимияти ғояларини қабул қилмаганман. Шунга асосланган ҳолда буржуа ёзувчиси сифатида бутун кучим ва имкониятим билан

соҳасида фаоллик кўрсатгансиз. Шу тўғрида мукамал кўрсатма беринг.

Жавоб: Мен терговдан ўзимнинг буржуа миллатчилик этиқоидимни яшироқчи эмасман. Зеро, менинг бир неча йил давомида олиб борганим советларга қарши миллатчилик иши шу қадар маълумки, уни қанчалик истасам ҳам яшира олмаман. Шунинг учун ҳам мен адабиёт оламида советларга қарши олиб борганим амалий миллатчилик иши ҳақида виждонан, ҳаққоний сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

Мен жаҳидизм буржуа-миллатчилик партияси мафқураси руҳида тарбияланганман, шунинг учун Октябрь инкнлобининг дастлабки кунлариданоқ Совет ҳокимиятига қарши буржуа-миллатчилик кураши йўлига ўтганман. Совет ҳокимияти буржуа миллатчилиги билан чиқишмагани, аксинча, унинг манфаатларига қарши бўлгани учун Совет ҳокимияти ғояларини қабул қилмаганман. Шунга асосланган ҳолда буржуа ёзувчиси сифатида бутун кучим ва имкониятим билан



Наим КАРИМОВ, академик

советларга қарши фаол миллатчилик ишини олиб борганман.

Мен 1919 йили «Ўтган кунлар» тарихий романини ёзишга киришиб, уни узиш-кесил тугатиб, 1925 йили нашрдан чиқардим. Совет ҳокимиятининг Туркистондаги беш йиллик ҳаёти менинг сиёсий этиқоидида ҳеч бир ўзгаришни юзга келтирмади, шунинг учун «Ўтган кунлар» романи чоп этилган вақтда мен имони қомил буржуа миллатчиси эдим.

«Ўтган кунлар» романи совет воқелигини очикдан-очик инкор этувчи, ошқора советларга қарши, миллатчилик руҳидаги асар эди. Мен шу асарда инкнлобга қадар бўлган ижтимоий давлат тузумини ва ўзбек миллатчилигини бутун кучим билан идеаллаштирдим. Агар романда тўғридан-тўғри «Йўқолсин совет ҳукумати!» дейилган бўлмаса-да, қамда ички маъмуни шунга чақирган...

Қодирийнинг тергов пайтида айтган бу сўзлари шу вақтгача бирор китоб ёки мақоладан ўрин олмаган. Бутун олдий китоб-хонлар ҳам, адабиёт-шунослар ҳам улуг адибнинг бу сўзларини ўқиб хайратланишлари табиий. Нега маҳбуслик курсида, жаллодлари рўпарасида ўтирган адиб улар қўётган тузоққа чал бериш ўрнига, улар айтаётган тухматни рад этиш ўрнига, аксинча, ўзини ўзи дор сари элтмоқда?! Маҳбус адибгаги бу ўзгаришнинг сабаблари нимада? У терговчилар билан курашда чарчаганиданми ёки ўзининг большевиклар зиндонидан омон чиқишига ишонмай қўйганиданми?! Ёки НКВД жаллодлари билан олишшдан кўра, улардан отилиб қўтилишни афзал кўрганиданми?!

Маҳбус адибнинг терговчилар саволига жавобан айтган бу сўзларини яна бир бор ўқиб кўрсангиз, ундан бошқача бир маъно ҳам чиқади. «Ўтган кунлар» романи чоп этилган вақтда мен имони қомил буржуа миллатчиси эдим», — демоқда адиб. Бу нима дегани?!

«Совет ҳокимиятининг Туркистондаги беш йиллик ҳаёти менинг сиёсий этиқоидида ҳеч бир ўзгаришни юзга келтирмади», — демоқда у яна. У айтмоқчики, Совет ҳокимияти барпо этилганидан кейин чор мустамакаси булган Туркистонда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. Чор ҳокимияти ҳам, Совет ҳокимияти ҳам Туркистонни талаш, Туркистон аҳолисини эзидан бошқа бирор қаромат кўрсатмади!.. Унинг «сиёсий этиқоиди» заминидан шу масала мужассам. Шунинг учун ҳам адиб «Ўтган кунлар» романида инкнлобга қадар Туркистонда ҳукм сурган ижтимоий давлат тузумини ва «ўзбек миллатчилигини» идеаллаштирдим, деб ўйлайди. У «ўзбек миллатчилиги» деганда ўзбекларнинг ўз тарихи, юрти, тили, урф-одатларини қадрлашини назарда тутди. Жаҳид ёзувчилари асарларидаги «миллатчилик» — миллий ғоя, миллий дунёқараш, миллий менталитетнинг мустамакачилик шароитида хира тортишига қарши кураш қуролидир. Большевиклар ана шу қуроладан кўришган. Миллатчилик, аслида, миллатпарварлик деганидир.

Қодирийнинг терговчиларга берган мажбур кўрсатмасини ўқиган ўқувчиларда ўзгача фикр ҳам пайдо бўлиши мумкин. Маълумки, тергов чоғидаги қийноқлар сабабли айрим маҳбустлар ақидан озинган, айримлари бошларини метин деворларга уриб, қаттиқ жароҳат олишган, кекса ёшдагилар эса қийноқлардан вафот этишган. Баъзилар эса қийноқларга дош беролмай, ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам тухмат қилишга мажбур бўлган. Шундай дахлатли ҳолатга тушган Қодирий ўзига ўзи тухмат қилишга мажбур бўлмаганмикин?!

Мен бундай фикрда эмасман. Бундай дейишмга сабаб тергов давомидаги мана бу савол-жавоблардир:

«Савол: Сиз миллатчи сифатида қайси советларга қарши ташкилот фойдасига ишлагансиз?»

Жавоб: Мен буржуа миллатчиси сифатида ўз олдида Совет ҳокимиятини ағдариш мақсадини қўйган советларга қарши ўзбек буржуа миллатчилик ташкилотига ишлаганман. Менинг мағбуот ва адабиёт соҳасидаги амалий ишим совет ҳокимиятига қарши қаратилган, шунинг учун шу ташкилот раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев томонидан фаол қўллаб-қувватланганман, менинг советларга қарши асарларим шахсан уларнинг топшириғига биноан оммавий ажадда нашр этилган ва кенг тарқатилган.

Савол: Айтинг-чи, сиз қачон, қим томонидан ва қандай шароитда Ўзбекистонда мажбур бўлган советларга қарши миллатчилик ташкилотига ёллангансиз?

Жавоб: Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунларда миллатчилик кураши йўлига ўтганман учун мен амалда советларга қарши ўзбек миллатчилик ташкилотининг кекса ва фаол қатнашчиларидан бириман, аммо расман бу ташкилотга аъзо бўлмаганман.

Савол: Сиз ёлгон гапиряпсиз. Тергов сизнинг «Миллий иттиҳод», кейинчалик «Миллий истиклол» советларга қарши миллатчилик ташкилотларида қатнашганингиз ҳақида ишончли маълумотларга эга. Буларни қандай қилиб инкор этасиз?

Жавоб: Мен «Миллий иттиҳод», шунингдек, «Миллий истиклол» ташкилотларига ҳеч қим томонидан ёлланмаганим учун бу ташкилотларга тақини-расмий жиҳатдан мансуб бўлганимни инкор этаман...

Кўрамизки, Қодирий терговчиларнинг саволларига ўйлаб жавоб бермоқда. У совет ҳокимиятининг мустамакачилик сиёсатидан норози бўлгани учун ўзини шу ҳокимиятга қарши курашаётган советларга қарши ташкилот аъзолари сафида кўради, шу ташкилотнинг норасмий аъзоси сифатида фаолият олиб борганини айтиди. Аммо шу ташкилотга қим томонидан ёлланганини кескин рад этади. Ўзгача айтганда, Қодирий ўзга бир кишининг истаги ва даъвати билан эмас, балки ўз қалбнинг даъвати билан совет ҳокимиятига қарши курашганини эътироф этган.

Капиталистик давлатлар қуршовида қолган совет давлати 1936 йилда оғир сановатни ривожлантириш, яқинлашиб келаётган урушга ҳозирланиш мақсадида халққа янги солиқлар қўлган, заём чиқариб, уни мажбур равишда тарқатган. Совет давлатининг шу сиёсати халқнинг ақсар қисмида норозилик уйғотган. Терговчилар шу воқеа муносабати билан маҳбусга бундай савол беришган:

«Савол: Сиз 1936 йилда руҳонийларнинг советларга қарши йиғинида қатнашгансиз, шу йиғинда совет ҳокимияти сиёсати аксинлиқлибий руҳда муҳокама қилинган. Шунга тасдиқлайсизми?»

Жавоб: Ҳа, тасдиқлайман. 1936 йилнинг ёзида бир руҳоний — яқин кишим Заҳриддин Аъламининг уйда советларга қарши йиғин бўлиб ўтган, унда Совет ҳокимиятининг солиқ ва заём сиёсати советларга қарши руҳда муҳокама қилинган. Мен шахсан ўз фикримни баён қилмаган бўлсам ҳам, Заҳриддин Аъламининг советларга қарши тухматдан иборат фикрига тўла қў-

Ҳикмат

Билишини биладиган одама эргашинг, билишини билмаганни озоҳлантинг, билмаслигини биладиганга ўргатинг, билмаслигини билмагандан қочинг.

Конфуций

шилганман. Шу жиҳатдан ўзимни айбдор ҳисоблайман».

Бизгача етиб келган ягона сўроқ баённомаси Қодирийнинг шундай инкор сўзлари билан тугайди. Қодирий шу сўнгги жавоби билан ҳам совет давлатининг халқ иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатажак сиёсатидан норози бўлганини яширмайди, аксинча, Заҳриддин Аъламининг «советларга қарши фикри»га тўлиқ қўйилганини айтиди.

Маълум бўлишча, шу ўтиришда Ғафур Ғулом ҳам ҳозир бўлган экан. У 1938 йил 21 март куни бўлиб ўтган сўроқда бундай деган: «1936 йили мен Қодирий билан биргаликда Наби Шариповнинг уйига тақдир

лейтенанти Н.Тригулов ва шу бўлимга бошлиғи, ДХ лейтенанти Богомолов «Айблов ҳулосаси»ни тузди. 4-бўлим бошлиғи ёрдамчиси, ДХ лейтенанти Матвеевнинг розилиги олинган «Айблов ҳулосаси» маҳбусга ўқиб эшгитирилади. «Айблов ҳулосаси»да қайд қилинишича, Қодирий ЎзССР Жиноят кодек-

етилдим (...) ўша хонадонга Заҳриддин Аълам, Шохидов, Чўлпон (...) ва менга нотаниш қимсалар тақдир этилган экан. Ўтириш давомида фақат сиёсий мавзуда суҳбатлашдилар, ҳамма Совет ҳокимиятини қоралади, советларга қарши гапирди. Қодирий «Совет ҳукумати заём чиқарди, энди уни мажбурий тартибда одамларга тарқатмоқда», — деди. Ўтириш қатнашчиларининг бари Қодирийнинг фикр-мулоҳазасини қўллаб-қувватлади ва шу ердаёқ заёмга обуна бўлмаслик ҳақида тарғибот юритишга келишиб қўйдилар».

Ғафур Ғуломнинг бу сўзлари билан Қодирийнинг жавоби ўртасида бир оз фарқ бўлишига қарамай, моҳияти битта: Қодирий совет ҳукуматининг шу сиёсати халқнинг моддий турмушига салбий таъсир кўрсатиши равшан бўлгани учун ундан норози бўлган. У шу норозилигини очик-ойдин айтган ва шу масалалар айрим замондошлари қаб мунофиқлик қилмаган.

Аммо Қодирий Фитрат ва Чўлпондек совет давлати мустамакачилик сиёсатининг моҳиятини кескин фош этувчи ва халқни большевиклар давлатига қарши курашга даъват этувчи бирорта асар ёзган эмас. Уни ўз асарлари билан совет ҳокимиятига қарши курашган, дейиш ҳам нотўғри. У ўз ижоди билан ўзбек адабиётини юксак босқичга кўтарган, ўзбек халқини жаҳонга танитган, «Обид кетмон» жисаси, «Шўбҳа», «Кўёшга қарши қурашман» сингари хикоялари билан эса совет давлатининг жамоалаштириш кампаниясини қўллаб-қувватлаган адибдир. У тергов жараёнида ана шу адибнинг мангалайига «халқ душмани» деган мудҳиш тағмин қўяётган совет давлатига қарши сокин исён кўтарди ва шу исён учқунларининг пайдо бўлиш тарихини совет давлатига қарши кураш тарихи сифатида талқин этмоқчи бўлади.

Қодирий 1937 йил 10-20 март кунларида Мўмин Усмонов, Қурбон Березин, Назрулла Иноят, Ғози Олим Юнусов ва Саъдулла Турсунхўжаев билан юзлаштирилади. Юзлаштиришдан мақсад Қодирийни шу маҳбустларнинг кўрсатмалари асосида гўё А.Икромов ва Ф.Хўжаев раҳбарлик қилган советларга қарши аксинлиқлибий ташкилотнинг аъзоси сифатида қоралаш эди. Қодирий юзлаштириш вақтида 1932 йилга қадар миллатчи ёзувчи бўлганини эътироф этган бўлса-да, аксинлиқлибий ташкилотга аъзо бўлганини ҳақидаги айбни мутлақо тан олмаган. Шунга қарамай, 1938 йил апрель ойида (қуни кўрсатилмаган) ЎзНКВД ДХБ 4-бўлими 3-бўлими бошлиғи ёрдамчиси, ДХ

сининг 58-, 64- ва 57-моддалари бўйича, яъни Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш мақсадида тузилган аксинлиқлибий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганлиқ ва шу мақомда советларга қарши аксинлиқлибий фаолиятни олиб борганлиқда айбланган эди.

Тергов пайтида ҳам, юзлаштиришлар жараёнида ҳам Абдулла Қодирийнинг аксинлиқлибий ташкилот аъзоси бўлгани факти мутлақо тасдиқланмаган.

1956 йилда шахсга сиғиниш фожиаларини қоралаш ишлари бошланганда шу жиноят билан шугулланган ЎзНКВД ходимларининг тириклири терговга тортилиб, оммавий қирғинда иштирок этгани учун НКВД органларидан хайлашдек «фавқулодда оғир жазо»га ҳукм қилинди. Шу жараёнда терговчиларнинг ўз лавозимларини сунистеъмол қилгани, яъни исталган кишини қамоққа олиб, истаганча азоблагани ва уларга истаганча жазо берганлари кундек равшан бўлди.

«Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг иши юзасидан шунга айтишим лозимки, — деган Нуруи Тригулов 1956 йил 9 июнда бўлиб ўтган терговда, — у Ага-

бековнинг ташаббуси билан қамоққа олинган... Ўша пайтдаги барча тергов ишларидек, Абдулла Қодирий устидан қўзғатилган иш ҳам ибтидоий усулда, инкнлобий қонунчиликка хилоф равишда олиб борилган... Масалан, Абдулла Қодирий ўзига қўйилаётган айбларни сира тан олмаган; тингтув пайтида жиноят белгиларини кўрсатадиган бирорта ҳам ашё-далил топилмаган; шунинг учун қамоқдаги бошқа маҳбустларнинг кўргазмаларидан олинган нусхалар унга қарши ишлатилган — буни мен тасдиқлайман. Ўша пайтдаги тартибга бўла, ҳар қандай одамнинг бирор миллатчилик ташкилотига алоқадорлигини исботлаш учун маҳбустларнинг кўрсатмаларидан олинган нусхалар етарли бўлар, шу асосий ашё ҳисобланар эди. Шундай ашёга асосланиб прокурор қамоққа олиш ҳақида фармон берар, шу ашё асосида маҳбусга айб қўйилар ва айбнома тузилир эди. Шундай масхарабозлик билан Абдулла Қодирий иши ҳам охирига етказилган; жиноий иш юзасидан қонуний тергов олиб борилмаган, у ҳужажурсинга сўроқ қилинган...

Тригулов ўз кўрсатмасида «инкнлобий қонунчиликка хилоф равишда олиб борилган» иборасини қўллаган. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 20-30 йилларида ҳарқатда бўлган «инкнлобий қонунчилик» юз минглаб беғуноқ кишиларнинг беқордан-беқорга отилиб кетилиши, юз минглаб кишиларнинг бошқа ўлкаларга сургун қилиниши, ота-онаси қатағон қилинган минглаб болаларнинг қариндош-уруғлари бағридан қилиб олиниб, бошқа шахар ва республикалардаги «Болалар уйи»га юборилишига тўлиқ имкон берган.

1938 йил 4 октябрда Тошкент шахрининг Юнусов туманида жойлашган НКВД маҳбус полигонидан отиб ташланган ва шу ердаги хандаклардан бирида махфий равишда дафн этилган Абдулла Қодирий тақдири ҳам шундан далолат беради.

Ободлик манзаралари

«Дехқонобод калий заводи» масъулияти чекланган жамияти республикаимиздаги йирик ва истиқболли корхоналар сирасига киради. Буни мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарияти хориж мамлакатларига экспорт қилинаётганидан ҳам билса бўлади.

МУНОСИБ ШАРОИТ ВА



Масалан, 2011 йилда 180 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 280 минг тоннага етди. Маҳсулотни хорижга сотиш 2011 йилда 143 минг тоннани ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу рақам 245,54 минг тоннага етди. Заводда ишлаб чиқарилган калий хлорид минерал ўғити Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Туркменистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Малайзия, Шри-Ланка, Ироқ, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркия, Молдавия, Вьетнам, Украина ва Африка мамлакатлари бозорларига кириб бори.

«ҒАМХЎРЛИКДАН БОШИМИЗ ОСМОНГА ЕТДИ»

Каерда меҳнатқашларга етарли шарт-шароитлар яратилса, қўллаб-қувватланса, ўша жойда меҳнат зафарларига эришишга бўлган рағбат ортиб бораверади. Мазкур корхонада ҳам бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Наврўз байрами тантаналари доирасида ходимларни қўллаб-қувватлаш, улар учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида фаолияти йўлга қўйилган ижтимоий объектлар фикримизни тасдиқлаб турибди.

Жумладан, жорий йил январь ва февраль ойларида ходимларнинг корхона хисобидан Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларига саёхати ташкил қилинди. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан корхонада фаолият кўрсатаётган 184 нафар аёлга совғалар тақдим этилди. Наврўзи олам шодиёналари ҳам катор хайрли тadbирларга улашиб кетди. Тумандаги эхтиёжманд оилаларда яшовчи 2 нафар имконияти чекланган фуқарога махсус аравча топширилди.

Юртимизда ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасидаги тизимли саъй-ҳаракатлар ҳам барчани хушнуд этмоқда. Корхона томонидан ташкил этилган Наврўз шодиёналаридан завод ходимларидан 5 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйи ўтказилиб, ҳар бир оилга биттадан телевизор ва 1 млн. сўмлик омонат жамғарма дафтарчаси берилди.

— Бугун Сайгулхон билан тўйимиз бўлди, —



деди биз билан суҳбатда корхона ишчиси Хуршид Хуррамов. — Қолаверса, халқимизда «Оиланг тинч — юртинг тинч», деган гап бор. Айём кунлари завод оилавий ётоқхонасида 10 та уй-жойга эхтиёжманд бўлган оилга хоналар ажратилди. Замонавий мебеллар билан жиҳозланган шинам ва қўлай хоналарда ёш оилаларнинг яшаши учун барча шароит муҳайё.

Шу кун эхтиёжманд оилалар фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, тўйболаларга 500 минг сўмлик омонат жамғарма дафтарчаси, велосипед ҳамда тўй сарпоси совға қилинди.

— Оқиртма қишлоғида яшаймиз, — деди тўйбола Абдуғани Абдуллаевнинг бувиеси Хурсанд момо Шоймардонова. — Неварамнинг ота-онаси ногирон. Оилавий шароитимиз хисобга олиниб, кўрсатилган ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Савоб иш ҳеч қачон ерда қолмайди. Корхонанинг янада ривожланишини тилаб, дуолар қилдик.

ҚўЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР ҚўЛАМИ ОШМОҚДА

Эътиборли жиҳати, «Бешбулок» МФЙ Кимёгарлар шаҳарчаси аҳолиси учун қирқ ўринли мактабгача таълим муассасаси, кутубхона ва сунъий қопламали футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

— Кимёгар шаҳарчасида асосан ишчилар иттиқомат қилишади. Бу ерда мактабгача таълим муассасасининг иш бошлаши эртанги кунимиз учун қўйилган муҳим қадамдир, — дейди корхона касба уюшма қўмитаси раиси Норсайд Қўчкинов.

— Янги кутубхона эса китобсевар инсонлар, зиёистовчиларга яхши совға бўлди. 5000 дан ортиқ китоб фондига эга ушбу масканда мурола қилиш учун барча шароит мавжуд.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан муносабатини янада кучайтириш мақсадида 12 нафар пенсияга кузатилаётган ходимга эхтиром кўрсатилиб, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари, «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида ўтган байрам сайилларида

Эхтиёжманд оилалар фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, тўйболаларга 500 минг сўмлик омонат жамғармаси дафтарчаси, велосипед ҳамда тўй сарпоси совға қилинди.

дошқозонларда палов тайёрланиб, «Энг мазали байрам оши» кўрик-танлови ўтказилди. Шунингдек, «Томорқа — қўшимча даромад манбаи!» шиори остида аҳоли орасида томорқалардан унумли фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган «Энг намунали томорқа» кўрик-танлови ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила



ЮКСАК ЭЪТИБОР

ходимларни янги марралар сари руҳлантирмоқда

институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида жойларда хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ таркибиди ташкил этилган «Тикувчилик цехи» эса мазкур қарор ижросини таъминлаш йўлидаги ҳаракатлар дебечаси деб айтишимиз мумкин. Бу ерда ишчилар учун зарур махсус иш кийимлари, қўлоқ ва шу каби маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, биринчи навбатда, эхтиёжманд ва ногиронлиги мавжуд хотин-қизлар иш билан таъминланди.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

— Наврўз — халқимиз томонидан қадимдан ардоқлаб келинган қадриятлар, — деди Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов. — Қаранг, байрам муносабати билан қанчадан-қанча эзгу ишлар амалга оширилди. Тўйлар нишонланди, эхтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатилди, янги-янги масканлар иш бошлади. Булардан фақат фахрланиш, гурурланиш лозим. Илоҳим, халқимизнинг яхши кунлари, байрамлари кўп бўлсин, элнинг бахти-ю тахтини қўйлаб чарчамайлик.

Тантанали маросимлар чоғида Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев, Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова, Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятлов, Дехқонобод тумани ҳокими Зоир Аликулов, «Дехқонобод калий заводи» масъулияти чекланган жамияти бош директори Ҳамидулла Шерматов йиғилганларни айём билан муборакбод этиб, самимий тилаклар билдиришди.

Дорбозларнинг ҳаяжонли томошалари, таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган дилбар куй-қўшиқ ва рақслар, турли спорт мусобақалари Дехқонободдаги байрам шукуҳига янада тароват бахш этди. Озод юртга ярашган ободлик ва кўркамликдан кўнгиллар ўсди, эртанги кунимизга бўлган ишонч ва умидлар янада мустаҳкамланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ ҲАЁТИЙ ҚОИДАЛАРИ

Буюк ёзувчи Лев Толстой 22 ёшида ўзи учун ҳаётини тартиб-қоидалар тузди ва унга бутун умр амал қилади. Ирода, фаоллик, хотира ва ақлий қобилиятни ривожлантирадиган бу йўриқлар сизу бизга ҳам катта фойда бериши аниқ.

Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қайналганингни бошиқаларга билдирма.

Ҳар кун заифроқ биладиган тилингда шеър ёлда.

Қўлингдаги мулкнинг ўндан бирини эҳсон қил.

Ўн баробар бойиб кетсанг-да, ҳаёт тарзингни ўзгартирма.

Ҳар қандай нарсага ҳар томонлама назар сол — фойдасини ҳам, зарарини ҳам кўр.

Ўзинг билмаган ёки ёқтирмайдиган одамларнинг мақтовини олишга уринма.

Ҳар тонг кунлик режа туз ва уни, албатта, бажар.

Бошиқаларнинг фикрини ўйлаб ўтиргандан кўра ўз устингда кўпроқ ишла.

Шухрат учун сарф-харажат қилма.

Ўзинг учун иложси борица кўп машғулот ўйлаб топ.

Бир ўзинг яқинлашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.

Ҳеч қачон ҳиссиётларингни ошкор қилма.

Яқин кишининг ўзингдай яхши кўр, икки яқин кишининг эса ўзингдан ҳам кўпроқ яхши кўр.

Иложси борица кам ухла.

Ҳар тун кундузи ўрганганларингни тақдорга.

Ортиқча нарсани ўзинг учун эмас, жамият учун ишла.

Яхшилик қилишга имкон изла.

Яхши бўл ва сенинг яхши эканингни ҳеч ким билмаслигига итти.

Ҳаммани бирдай яхши кўр, бу муҳаббатдан ўзинг ҳам четда қолма.

Элнинг муҳаббати учун майда тўйлардан воз кеч.

Шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.

Бор нарсаларга қаноат қил.

Биласизми?

Ҳамкасбалар билан тушлик қилиб бўлгач, ишхонамиз атрофини бир айланиб келиш одатимиз бор. Кунги кеча боғни айланиб юриб, дуч келганимиз бир гўзалликдан беихтиёр кўзимизни узоқламай қолдик. Сўнг билдикки, у сакура дарахти экан. Сакура шундай виқор билан савлат тўкиб турибдики, «Бу ҳаётда яшашни мендан ўрган», деяётгандек туюлди бизга.

САКУРА — ҳаёт рамзи

Японларнинг ривоят қилишича, Тоғлар худоси Куёш худосининг набираси Нинигига қизларидан бирига уйланишни таклиф этади. Шунда Ниниги ўзига ўйлаб қолди: «Агар унинг катта қизига, яъни «Баланд чўққи»га уйлансам, келгуси авлоднинг ҳаёти тошлар каби

каттик, мустаҳкам ва абадий бўлади. Кичик қизи Яшнага уйлансам, авлоднинг ижтимоий келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, умри қисқа бўлади-ю, аммо уларнинг ҳаёти сакуранинг гуллари каби гўзал ва мафтункор бўлади...». Ниниги Яшнани танлади ва япон императорларининг

аждодига айланди.

Аммо... гўзалликнинг умри боқий бўлмаганидек, ҳаёт ҳам оқар сувдек тез оқиб ўтади, уни англолмай ҳам қолсан киши. Шу боисми, сакуранинг тўкилаётган гуллари тугтилган ва ўзгаришчан умрнинг рамзига қўйлаш мумкин.

Токиодаги марказий боғлардан бирида ҳар йили Ханам байрамнинг расман очилиши бўлиб ўтади. Бу маросимда нафақат таниқли давлат арбоблари, балки император оила аъзолари ҳам иштирок этади. Байрам кези шаҳардаги боғ ва хиёбонлар тумонат одамга тўлади. Қаерда сакура дарахти бўлса, шу ерда одамлар оқими кўпроқ бўлади. Айниқса, кўннинг иккинчи ярмида, қоронгу ўз пардасини ташлаганида, сунъий равишда ёритилган сакура ўзгача фусунга эга бўлади. Ўйин-қўлги авжига чиқади, йиғит-қизларнинг танишувлари, бизнесменлар ва сибсатчиларнинг келишув ва битими айнан Ханам байрамларида амалга оширилади.

Келинг, азизлар, САКУРА каби бу оқар сувдек ҳаётимизда ўзимиздан фақат яхши ном ва гўзаллик қолдирайлик!

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА



Талабларингизга биноан. «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.Ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона мақоли: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги мухбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Тошев
Навбатчи:
Ж. Эргашев
Мусаллаҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: —22:40
Тоширилди: — 23:50
12 3 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюрогма Г—409.
33247 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133